Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 136 (20. 703) • 1990 йил 15 июнь, жума • Баҳоси 3 тийин.

ТЎПЛАМ ЧИҚАРИЛДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачевнинг 1990 йил 25—27 апрель кунлари Свердловск областига қилган сафари тўғрисидаги материаллар тўпламини чиқарди. Тўпламга область меҳнаткашларининг намояндалари билан учрашувларда сўзланган нутқлар, учрашувлар ва суҳбатлар тўғрисида «Правда» газетаси билан ТАСС материаллари асосида тайёрланган фотосуратлар ва лавҳалар киритилган.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

ОШКОРАЛИК ОЙНАСИ

Ошкоралик ҳар бир кишига, юртга ҳаводек зарур. Чунки одамлар ҳамма нарсани, воқеа-ҳодисаларни билишни истайдилар, бунга ҳақлидирлар. Бу масаланинг биринчи жиҳати. Аммо халқ бор ҳақиқатдан, жамиятнинг барча бўғинларида рўй бераётган адолатпарварлик ва ноҳақлик, меҳрибонлик ва разиллик, инсонга муҳаббат ва инсон қадр-қимматини топташ, ҳуллас, ҳаётнинг ибтидоисидан интиҳосига қадар ҳамма нарсани ўз ҳолича билиши, кўриши, таҳлил этиши, баҳолаши учун имкон яратилмаган эди. Бу энди ошкоралик ойнасида ўз аксини топади. Худди ана шу мақсадда жумҳурият депутатлари мазкур комиссияни тузишди.

Яқинда комиссия мажлиси бўлди. Даставвал комиссиянинг йил давомида амалга оширадиган режалари муҳокама қилинди. Табиийки, бундай комиссия жумҳуриятда илк бор тузилгани, қолаверса, унинг қандай ишлар билан банд бўлиши кўпчиликни қизиқтиради. Шу боисдан бу масалага батафсилроқ тўхталиш жоиз деб ўйлаймиз.

Кейинги вақтда меҳнаткашлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ишидан кескин норози бўлаётирлар. Уларнинг хатлари ортида тақдирлар, қисматлар борлиги бу жабҳадаги кўплаб масъул кишиларни ташвишга солмаяпти. Шу боис комиссия Андижон вилоят прокуратурасида фуқароларнинг ариза, шикоят ва оғзаки мурожаатларига муносабат масаласини ўрганишга киришди. Хулосалар жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилади. Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети, «Совет Ўзбекистони», Самарқанд вилоят «Ленин йўли», «Ленинский путь», «Овози Самарқанд» газеталарида ошкораликни таъминлаш, танқидий мақолалар, фельетонлар тақдири, шунингдек мазкур рўзномалар ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам комиссия режаларидан ўрин тутган. Айни пайтда «пахта иши» юзасидан жумҳурият матбуотида қораланган кишилар қисмати, оқланганлар тақдири борасида Ўзбекистон ССР Олий судининг ошкораликни таъмин этиши ва бу борада ижтимоий адолатни қарор топтириш, вилоят ва шаҳар ижроия комитетларининг меҳнаткашлар мурожаатлари асосида жойлар, кўчалар, корхоналар, муассасалар номларини ўзгартиришга муносабатлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари, байналмилал жангчиларга тиббий, савдо, маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ва бошқа шу сингари долзарб масалаларни жиддий кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди, режалаштирилди.

Комиссия, шунингдек, меҳнаткашларнинг аризалари, шикоятлари ва оғзаки мурожаатлари, матбуот ҳамда ошкоралик ҳақида Ўзбекистон ССР қонунлари лойиҳаларини тайёрлашга ҳам киришди.

Олий Совет доимий комиссияси мажлисида унинг муваққат низоми масаласи қараб чиқилди. Ҳозир вилоят Советлари ҳам ошкоралик масалалари бўйича комиссия туза бошлашгани, унинг раислари ишдан ажралмаган ҳолда бу ишга раҳбарлик қилишлари инобатга олиниб, айрим жойларда вилоят газеталари муҳаррирлари мазкур комиссия раислигига сайланиши ижтимоий адолатга ҳилоф деган хулосага келинди. Чунки ошкоралик комиссиясининг асосий вазифаларидан бири оммавий ахборот воситаларининг шу хусусдаги фаолиятини назорат қилишдан иборатдир.

Меҳнаткашлардан келаётган аризалар, хат ва шикоятларда қўйилган масалалар, талабларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети ошкоралик масалалари комиссиясининг номини ўзгартириб, Ўзбекистон ССР Олий Совети ошкоралик ва ижтимоий адолат масалалари комиссияси деб номлашга қарор қилинди. Бу хусусда жумҳурият Олий Совети сессиясига мурожаат қилиш ҳақида келишиб олинди. Комиссиянинг давлат ва жамоат идораларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида ошкоралик таъминланишини назорат қилиш, меҳнаткашларнинг шикоят ва аризалари билан ишлаш кичик комиссиялари тузилди.

Бундан буён комиссия ўз фаолияти, муҳокама қилинган масалалар тафсилоти билан жамоатчиликни таништириб боришни мақсадга мувофиқ деб топди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ошкоралик комиссияси.

Жумҳуриятимизнинг меҳнат ҳаёти

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

Жумҳуриятимиз пиллакорлари бу йил зарбдорларча меҳнат қилдилар. Яқингинада улар қабул пунктларига 27850 тонна пилла топшириб, йиллик планни бажаришганди. Куни кеча азаматлар мажбуриятни ҳам ошириб ўринлатишди. Давлат қабул пунктларига 32 минг тоннадан кўпроқ пилла топширилди. Ҳар бир қути ипак қуртидан олинган ҳосил 63 килограммга етди. Ялпи ҳосилнинг 90 фоизи юқори навларга сотилди. Бу йил ўтган йилдагидан 4700 тоннадан зиёдроқ маҳсулот етиштирилди.

Бу ғалаба пиллачиликнинг озуқа базасини муттасил мустаҳкамлаб бориш натижасида қўлга киритилди. Жумҳуриятимизда мавжуд бўлган 44 минг гектар тутзор ва 286 миллион тупдан ортиқроқ қаторлаб экилган тут кўчатлари яхши парвариш қилингани натижасида бу йил деярли озуқа танқислиги сезилмади. Пиллачилик билан шуғулланган 1450 колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳамда мутахассислари ипак қуртини хонадонларга жойлаштириш, қурт боқилган хоналарни таъмирлаш ва дезинфекция қилиш, қуртхоналарни зарур асбоб-ускуналар, ёқилғи билан таъминлаш ишларини ўз вақтида бажаришди.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам Фарғона вилоятининг меҳнаткашлари пилла етиштиришда карвонбошилик қилдилар. Улар давлатга энг кўп — 6300 тонна хом ашё етказиб бердилар. Жумҳуриятимиз пилла хирмонининг баракали бўлишига ҳамма вилоятлар баракали ҳисса қўшишди. Жумладан, Бухоро вилояти — 4790 тонна, Андижон — 4700 тонна, Самарқанд — 3670 тонна, Наманган — 3250 тонна, Қашқадарё — 2400 тонна, Тошкент 1970 тонна, Хоразм — 1900 тонна, Сурхондарё — 1360 тонна, Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти — 815 тонна, Сирдарё вилояти — 475 тонна, Жиззах вилояти — 440 тонна хом ашё тайёрлаб қабул пунктларига етказиб беришди. Пиллачилик билан шуғулланган 146 районнинг 121 таси белгиланган режани ортиғи билан уддалади.

Ҳозир пиллакорларимиз тутзорлар парваришига эътиборни кучайтириб, келгуси йил ҳосилига ҳам тараддудни бошлаб юбордилар.

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР АҲДИ

Намангандаги 3-пахта тозалаш заводи коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йили якунига кўра, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритган эди.

Корхонада ўтган ойларда 8 минг тонна тола ишлаб чиқарилди. 85,5 фоиз маҳсулот биринчи ва иккинчи навларга топширилди. Фойда салмоқли бўлди. Шу йилнинг ўзидаёқ 20 минг сўм қўшимча даромад олинди. Маҳсулот сифати яхшиланганлиги туфайли буюртмачилар эътироз билдирмади.

Абдулҳамид Мўминов ва Насимжон Каримов бошлиқ смена бригадалари, Исматулла Неъматуллаев, Каримжон Раҳимов, Пўлатжон Шамсиддинов сингари ишчилар меҳнат муваффақиятига муносиб улуш қўшдилар. Ҳозир корхона ишчилари 1989 йил ҳосилининг сўнгги тонналарини қайта ишлашга киришдилар. Улар Октябрь байрамигача беш йиллик план топшириқларини уддалашга аҳд қилишган.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

КОМБИНАТ ИЖАРАГА ОЛИНДИ

Андижон ип газлама комбинатининг ишга туширилганига ўн йил бўлди, шу вақт ичида бирор марта ҳам план бажарилмади. Комбинат давлатдан 153 миллион сўм қарздор бўлиб қолди.

Яқинда меҳнат коллективи кенгашининг йиғилишида комбинатни ижарага олишга қарор қилинди. Биринчи июндан бошлаб эса корхонанинг йигирув ишлаб чиқариши цехлари ижара пудратида ишлай бошлади.

— Ижара пудрати шароитида ҳеч ким ёмон ишламайди, — дейди цех бошлиғи, Ўзбекистон ССР халқ депутати Ҳасанбой Мансуров. — Ўйлаймизки, янгича ишлаш туфайли тез орада маҳсулот сифатини кескин ошириш имкониятига эга бўламиз. Келгусида ташқи бозор билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш ниятимиз ҳам бор.

Дарҳақиқат, ижара пудрати шароитида дастлабки иш кунларидаёқ меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ортди. Йил охиригача комбинатни тўлалигича ижарага олиш мўлжалланмоқда.

К. НИШОНОВ,
Андижон области.



ҒАЛЛА ЎРИМИ ҚИЗҒИН

Етилган ҳосил деҳқонни мамнун этди. У ўрим-йиғимнинг дастлабки кунидаёқ ўзгача ғайрат-шижоат билан тер тўкмоқда. Режадаги 16 центнер ўрнига, ҳар гектар ердан 20—25 центнердан дон ўриб олиш мўлжалланмоқда.

Ғузор районидаги Куйбишев номли совхоз далаларида агрегатлар унумли ишлатиляпти. Комбайнчилар етилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишмоқда.

● Сиз суратда кўриб турган Ҳасан Ражабов комбайнчилар мусобақаси пешқадами.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат (ЎзТАГ).

XII ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси 1990 йил 18 июнь куни соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети хабар беради

Ўзбекистон ССР саноатининг 1990 йил январь-май ойларидаги иш якунлари тўғрисида

Республика саноатида 1990 йилнинг январь—май ойларида маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ҳажми ўтган йилнинг январь—май ойларига нисбатан 3,4 фоиз кўпайди. Шу билан, бирга «Агрохим» давлат агрохимия уюшмаси, СССР Оғир машинасозлик министрлиги, СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, «Узбеклес» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Давлат мелиорация ва сув хўжалиги қурилиши комитети, Ўзбекистон Қурилиш-ёғочсозлик саноати Бош бошқармаси, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги корхоналарида ва бошқа корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайишига йўл қўйилди.

Саноат маҳсулотининг энг муҳим турларидан ҳар тўрттасидан бирини ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмади, ҳар уч буюмдан бирини ишлаб чиқариш 1989 йилнинг январь—май ойларида эришилган ҳажмга нисбатан пасайди.

Маҳсулот етказиб бериш шартномавий мажбуриятлари 99,3 фоиз (1989 йилнинг январь—май ойларида — 99,2 фоиз) бажарилди. Бирлашмалар ва корхоналарнинг 15 фоизи давлат буюртмаси ва истеъмолчилар билан бевосита алоқалар йўли билан белгиланган шартномавий мажбуриятлар бажарилишини таъминламади. Январь—май ойларида истеъмолчилардан 65,3 миллион сўмлик маҳсулот қарз бўлиб қолинди.

Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми анча кўпайди ҳамда металлургия ва агросаноат комплекси корхоналарида маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларни бажариш даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайди (металлургия корхоналари 10,6 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бермади, шартномавий мажбуриятлар 98,2 фоиз бажарилди, агросаноат корхоналарида эса 9,5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади ва шартномавий мажбуриятлар 99,7 фоиз бажарилди).

Қорақалпоғистон АССР (98,8 фоиз), Андижон (98,1 фоиз) ва Тошкент (98,7 фоиз) вилоятлари корхоналарида шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиш даражаси пастдир.

Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида саноатнинг иши тўғрисидаги маълумотлар қуйида келтирилган (фоиз ҳисобида):

	маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларининг бажарилиши	истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўм	шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналар улуши	маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ўсишининг амалдаги суръатлари
Ўзбекистон ССР	99,3	65,3	15	3,4
шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	98,8	3,0	15	4,8
Андижон вилояти	98,1	11,6	17	15,6
Бухоро вилояти	99,7	1,8	12	1,8
Жиззах вилояти	99,98	0,04	3	5,9
Қашқадарё вилояти	99,8	1,0	6	1,4
Наманган вилояти	99,6	2,1	13	4,9
Самарқанд вилояти	99,2	6,4	13	6,0
Сурхондарё вилояти	99,3	1,9	13	1,1
Сирдарё вилояти	99,6	0,6	14	8,5
Тошкент вилояти	98,7	18,7	20	2,3
Фарғона вилояти	99,7	3,8	16	1,2
Хоразм вилояти	99,98	0,08	5	4,7
Тошкент шаҳри	99,3	12,3	19	1,2

Январь—май ойларида 5,6 миллиард сўмлик (чакана нархларда, алкоголли ичимликлар ҳамда мева-сабзавот маҳсулоти ва тухум маҳсулотининг бозор фонди шу жумлага киради) халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, бу 1989 йилнинг январь—май ойларига нисбатан 397,2 миллион сўмлик ёки 7,6 фоиз кўпдир.

Бутун ўсишнинг учдан бир қисми алкоголли ичимликлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига (127,9 миллион сўм) олинди.

Корхоналар ҳам умуман, ҳам товарларнинг айрим гуруҳлари бўйича халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан қабул қилган планларнинг бажарилиши таъминланди.

1990 йилнинг январь—май ойларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади (чакана нархларда, миллион сўмлик):

	амалда ишлаб чиқарилган	корхона қабул қилган планнинг бажарилиш фоизи	1990 йилнинг январь—майида 1989 йилнинг январь—майига нисбатан фоиз ҳисобида
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш (бозор фонди шу ҳисобга киради)	5636,4	103,1	107,6
шу жумладан:			
Озиқ-овқат моллари	2008,0	103,4	101,4
Спиртли ичимликлар	741,4	103,9	120,8
Ашёвий моллар	2887,0	102,7	109,1
Шундан енгил саноат моллари	1876,9	101,5	105,5
Ашёвий молларга давлат буюртмаси	934,2	105,3	117,4

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан корхоналар қабул қилган планлар беш ой ичида 3,1 фоиз ошириб бажарилди, бироқ уларнинг белгиланган пландан анча орқада қолаётганлиги бир йилга мўлжалланган ўсиш суръатларини таъминламайди: план 10,1 фоиз бўлгани ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш 7,6 фоиз кўпайди.

Енгил саноат моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг январь—май ойларига нисбатан 98,4 миллион сўмни ташкил этди. Ип газламадан ташқари (93,5 фоиз) молларнинг асосий турлари бўйича январь—май ойлари топшириқлари бажарилди.

Тошкентдаги минерал сув қуйиш заводида минерал сув ишлаб чиқариш; Наманган салқин ичимликлар комбинатида, Қўқон ва Бухоро пиво заводларида ва бошқа корхоналарда алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайди. Сариёғ, консервалар, ёрма, ўсимлик мойи, шампан виноси, коньяк ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайди.

Даромадни норматив тақсимлаш (хўжалик ҳисобининг иккинчи модули) шароитида ишлаётган 108 та саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1989 йилнинг январь—май ойларига нисбатан 3,5 фоиз кўпайди. Бу умуман республика саноатидаги ўсишга нисбатан 0,1 фоиз кўпдир. Ана шу корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот умуман саноатда шу даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 3,7 фоизига тенгдир.

Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари 99,5 фоиз бажарилди, ўнта корхона истеъмолчилар олдидаги мажбуриятини уддалай олмади, истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулотнинг умумий ҳажми 1,8 миллион сўмликни ташкил этди.

Ижара муносабатлари шароитида ишлаётган 36 та корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиши 0,5 фоизни ташкил этди, ана шу корхоналар маҳсулотининг саноат маҳсулоти умумий ҳажмидаги улуши 2,4 фоиз бўлди.

Ана шу корхоналар маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини 99,2 фоиз бажардилар, истеъмолчиларга 2,0 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди.

Жумҳурият саноатидаги барча ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи (ана шу корхоналарда) 1990 йилнинг январь — апрель ойларида 231,9 сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоиз кўпдир.

1990 йилнинг январь—май ойларида халқ хўжалиги комплекслари фаолиятининг кўрсаткичлари қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади (фоиз ҳисобида):

	маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларининг бажарилиши	истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўм	шартнома мажбуриятларини бажармаган ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар улуши	маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ўсишининг амалдаги суръатлари
Ёқилғи-энергетика комплекси	99,9	0,4	19	5,7
Металлургия комплекси	98,2	10,6	36	3,1
Машинасозлик комплекси	99,5	2,7	24	—1,9
Химия-ўрмон комплекси	99,3	6,2	30	2,1
Агросаноат комплекси	99,7	9,5	10	4,2
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	98,9	19,1	19	3,1
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги	99,9	0,1	6	7,5
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	94,6	3,3	60	—3,7
Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги	99,3	1,5	28	5,4

Ёқилғи-энергетика комплексида кўмир, нефть ва газ қазиб олиш топшириқлари бажарилиши таъминланди. Шу билан бирга кўмир қазиб олиш 1989 йилнинг январь—май ойларидагига нисбатан камайди.

Металлургия комплекси корхоналарида маҳсулот етказиб бериш юзасидан истеъмолчилардан қарз бўлиб қолиш январь—апрель ойларидагига нисбатан кўпайди ва 10,6 миллион сўмни ташкил этди. Пўлат ва прокат ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмади.

Пўлат ишлаб чиқариш ўтган йилнинг январь—май ойларидагига нисбатан 0,4 фоиз камайди.

Машинасозлик комплексида машина ва ускуналарнинг бир қанча турларини ишлаб чиқариш кўпайди. Белгиланган топшириқларга мувофиқ енгил саноат учун технология ускуналари, лифтлар, тракторлар, трактор прицеплари, пахта териш машиналари ва шу сингарилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Айни пайтда электр двигателлар, дизеллар, экскаваторлар, трактор культиваторлари ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилиши таъминланмади ва улар кам ишлаб чиқарилди.

Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажаришда СССР Электр техника саноати ва приборсозлик министрлиги (1,5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади), СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги (0,6 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади) ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари энг кўп қолоқликка йўл қўйдилар.

Химия-ўрмон комплекси корхоналари минерал ўғит, олтингугурт кислотаси, химиявий тола ишлаб чиқариш топшириқларини бажарди. Шу билан бирга синтетик аммиак, капролактам, резина пойабзал ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

СССР химия-нефть саноати (1,9 миллион сўмлик) ва «Агрохим» давлат агрохимия уюшмаси (3,6 миллион сўмлик) корхоналарида маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажаришда энг кўп қарздор бўлиб қолинди.

Қурилиш индустрияси корхоналари қурилишбоп ғишт, томга ёпиладиган юмшоқ материаллар ва изол, йиғма темир-бетон режалаштирилган ҳажмда ишлаб чиқарилишини таъминламаяптилар.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналари январь—май ойларида истъемолчиларга 1,5 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар. Деярли тўрт корхонадан бири мажбуриятларни бажаришни барбод қилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг деярли ҳар икки корхонасидан бири истъемолчилар олдидаги мажбуриятини бажармаяпти. Январь—май ойлари давомида умуман министрлик бўйича 3,3 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. Шундан етказиб берилмаган маҳсулот ҳажмининг ярмидан кўпроғи Чирчиқдаги 160-бинокорлик материаллари трести, Фарғонадаги 4-ёғочни қайта ишлаш заводи ва Самарқанддаги 3-ёғочни қайта ишлаш заводи зиммасига тўғри келади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **СССР халқ депутатининг мақоми тўғрисидаги қонунлар**

СССР халқ депутатининг мақоми СССР Конституцияси билан, «СССРда халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги СССР Қонуни билан, ушбу Қонун билан, СССРнинг бошқа Қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

2-модда. **СССР халқ депутати ваколатларининг муддати**

СССР халқ депутатининг ваколатлари унинг СССР халқ депутати этиб сайланган кунидан бошланади ва янги чақириқ СССР халқ депутати сайланган куни ёки ушбу Қонуннинг 9-моддасида кўзда тутилган ҳолларда тугайди.

СССР Олий Советига сайланган СССР халқ депутати СССР Олий Советининг янги таркиби сайлангунга қадар СССР Олий Советининг аъзоси ваколатларини сақлаб қолади.

СССР халқ депутатининг ваколатлари бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

3-модда. **СССР халқ депутатининг депутатлик гувоҳномаси ва кўкрак нишони**

СССР халқ депутати ўз ваколатлари муддатида депутатлик гувоҳномасидан ва «СССР халқ депутати» кўкрак нишонидан фойдаланади. СССР халқ депутатининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони тўғрисидаги низомлар, уларнинг намуналари ва тасвири СССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланади.

4-модда. **СССР халқ депутати фаолиятини ишлаб чиқариш ва хизмат вазифаларини бажариш билан қўшиб олиб бориш**

СССР халқ депутати депутатлик ваколатларини амалга ошириш учун унга зарур бўлган муддатда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлишга ҳақлидир.

СССР Олий Советига, палатанинг доимий комиссияси ёки СССР Олий Совети комитети таркибига сайланган СССР халқ депутати СССР Олий Советининг, тегишли доимий комиссия ёки комитетнинг қарорига биноан шу органлар томонидан белгиланадиган муддатга ўтказиш тартибида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилади.

СССР халқ депутатининг сайлов округида ишлаш, СССР халқ депутатлари съездининг, СССР Олий Советининг, улар органларининг топшириқларини бажариш учун ва бошқа ҳолларда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилишини расмийлаштириш тартибини СССР Олий Совети белгилайди.

5-модда. **СССР халқ депутатининг сайловчилар билан ёки уни сайлаган жамоат ташкилоти билан ўзаро муносабатлари**

СССР халқ депутати ўз сайловчилари олдида ёки уни сайлаган жамоат ташкилоти олдида масъул бўлади ҳамда уларга ҳисоб бериб туради.

Округдан сайланган СССР халқ депутати уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сайловчилар, коллективлар ва жамоат ташкилотлари билан, унинг сайлов округи территориясида жойлашган бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар коллективлари билан, шунингдек давлат ва жамоат идоралари билан алоқа боғлаб туради.

Жамоат ташкилотидан сайланган СССР халқ депутати шу ташкилотнинг сайлаб қўйилган органлари ва ташкилотлари билан, шунингдек ўзи истиқомат қиладиган ва ишлайдиган жойдаги аҳоли билан, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар коллективлари билан, давлат ва жамоат органлари билан алоқа боғлаб туради.

Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органларида халқнинг мухтор вакили бўлмиш СССР халқ депутати ўз мақомидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига кафолат берилишини, уларнинг шани ва қадр-қиммати ҳимоя қилинишини таъминлаш учун фойдаланади.

Сайловчилар ва жамоат ташкилотлари ўз депутатларига наказлар беришади. СССР халқ депутати сайловчиларнинг ва жамоат ташкилотларининг хоҳиш-талаблари амалга оширилишига ҳаракат қилади.

Сайловчиларнинг ёки ўзини сайлаган жамоат ташкилотининг ишончини оқламаган СССР халқ депутати Қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкин.

6-модда. **СССР халқ депутатининг қуйи Советлар ишида қатнашиши**

СССР халқ депутати иттифоқдош, автоном республикалар халқ депутатларининг съездлари, иттифоқдош, автоном республикалар Олий Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг органлари ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашишга ҳақлидир.

7-модда. **СССР халқ депутатларининг депутатлик гуруҳларига ва депутатлик клубларига бирлашиш ҳуқуқи**

СССР халқ депутатлари доимий ва муваққат депутатлик гуруҳларига, депутатлик клубларига бирлашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Депутатлик гуруҳлари фаолиятининг тартиби ва уларнинг ҳуқуқлари СССР Халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг иш тартиби билан, СССРнинг депутатлик фаолияти масалаларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

8-модда. **Депутатлик одоби**

СССР халқ депутати одоб ва ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиши лозим. СССР халқ депутатининг ўз мақомидан давлат, жамият, фуқаролар манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўйилмайди.

Депутатлик одоби бузилган тақдирда депутатнинг ҳулқ-атвори масаласи СССР халқ депутатлари съезди ёки СССР Олий Советининг топшириғига биноан депутатлик одоби масалалари комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

9-модда. **СССР халқ депутати ваколатларининг муддатидан олдин тўхтатилиши**

Депутат Қонунга мувофиқ СССР халқ депутати ваколатларини бажариш билан тўғри келмайдиган лавозимга сайланиши ёки тайинланиши муносабати билан ёхуд депутат бўлган шахсга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кириши муносабати билан, шунингдек СССР халқ депутати СССР фуқаролигидан маҳрум бўлган тақдирда СССР халқ депутатлари съезди ёки СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорга мувофиқ СССР халқ депутатининг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилади.

Депутатнинг ўз ваколатларини бажаришига тўсқинлик қилаётган вазиятлар ёки бошқа шахсий важлар сабабли истеъфога чиқиш тўғрисида берилган шахсий аризаси муносабати билан СССР халқ депутатлари съезди ёки СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорга биноан СССР халқ депутатининг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

Депутатни сайловчилар ёки уни сайлаган жамоат ташкилоти чақириб олиши оқибатида ёхуд СССР халқ депутатини сайлаган ва ҳуқуқий вориси бўлмаган жамоат ташкилотининг фаолияти тўхтатилиши муносабати билан ҳам СССР халқ депутатининг ваколатлари тўхтатилади.

II. СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИНИНГ СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИДАГИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА УНИНГ ОРГАНЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИ

10-модда. **СССР халқ депутатининг СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ишида қатнашиши**

СССР халқ депутатларининг съезди, СССР Олий Совети мажлисларида СССР халқ депутатлари Конституцияга мувофиқ ССР Иттифоқи ихтиёрида бўлган ҳамма масалаларни коллектив ва эркин муҳокама қилиш асосида кўриб чиқиб, ҳал этадилар.

СССР халқ депутати СССР халқ депутатлари съездининг мажлисларида, СССР Олий Советининг аъзоси бўлган СССР халқ депутати эса СССР Олий Советининг сессияларида ва палаталарнинг мажлисларида ҳам ҳозир бўлишлари шарт. Мажлисга етиб келишнинг иложи бўлмаган тақдирда СССР халқ депутати бу ҳақда палата раиси ёки СССР Олий Совети Раисини хабардор қилади.

11-модда. **СССР халқ депутатининг СССР халқ депутатлари съезди мажлисларидаги, СССР Олий Совети сессиясидаги ваколатлари**

СССР халқ депутати СССР халқ депутатлари съездининг мажлисида, СССР Олий Советининг аъзолари эса СССР Олий Советининг сессиясида ҳам кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади. СССР Олий Совети таркибига кирмайдиган СССР халқ депутати унинг мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашиши мумкин.

СССР халқ депутати:

СССР халқ депутатлари съездининг органларига, СССР Олий Советига ва унинг органларига сайлаш ва сайланишга;

СССР халқ депутатларининг съезди ва СССР Олий Совети тузадиган органларнинг шахсий таркиби юзасидан ҳамда СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети сайлайдиган, тайинлайдиган ёки тасдиқлайдиган мансабдор шахсларнинг номзодлари юзасидан фикр билдиришга;

СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун масалалар таклиф этишга;

СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг сессияси кун тартиби юзасидан, муҳокама этилаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва уларнинг моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда мулоҳазалар айтишга;

СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети сессияси мажлисларида СССР халқ депутатлари съезди ёки СССР Олий Советига ҳисоб берадиган ёки улар назорат қиладиган ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини тинглаш тўғрисида таклифлар киритишга;

СССР ҳукуматига, СССР халқ депутатлари съезди ёки СССР Олий Совети томонидан сайлаб қўйилган, тайинланган ёки тасдиқланган мансабдор шахсларга ишонч тўғрисидаги масалани қўйишга;

СССР халқ депутатлари съездида, СССР Олий Советида ва уларнинг органларида, бошқа халқ депутатлари Советларида СССР қонунларини давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қандай бажараётганлигини текшириш зарурлиги тўғрисида, СССР Иттифоқи ихтиёридаги ҳар қандай масала юзасидан депутатлар текширувини ўтказиш ҳақида таклиф киритишга;

музокараларда қатнашишга, сўровлар билан мурожаат қилишга, мажлисда маърузачига, шунингдек раислик қилувчига саволлар беришга, жавоб талаб қилишга ва бу жавобларга баҳо беришга;

ўз таклифларини асослаб ва овоз бериш сабаблари юзасидан сўзга чиқишга, маълумот беришга;

қонунлар, қарорлар ва бошқа қонун ҳужжатлари лойиҳаларига ялпи тузатишлар киритишга;

фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга молик мурожаатларини СССР халқ депутатлари съезди мажлисларида, СССР Олий Совети сессияларида ўқиб эшиттиришга ҳақлидир.

Музокараларда сўзга чиқмаган СССР халқ депутати ўз нутқи матнини, шунингдек СССР халқ депутатлари съезди ёки СССР Олий Совети сессияси мажлисларида муҳокама қилинаётган масалага доир таклифлар ва мулоҳазаларини ёзма равишда баён қилиб раислик қилувчига топшириш ҳақлидир.

Нутқ матни мажлис протоколига киритилади ва СССР халқ депутатлари съезди ёки СССР Олий Совети ва унинг палаталари ахборотномасида эълон қилинади.

СССР халқ депутати СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ва унинг органлари мажлислари стенограммаларида ва протоколларида ўз нутқи матни билан улар эълон қилингунига қадар танишишга, шунингдек эълон қилинмайдиган нутқлар матнини олишга ҳақлидир.

СССР халқ депутатлари съездида, СССР Олий Совети сессиясида депутатлар киритган таклифлар ва мулоҳазалар Қонун лойиҳаларини узил-кесил ишлаб чиқиш ва қабул қилиш чоғида кўриб чиқилади ва ҳисобга олинади. Агар улар рад этилган тақдирда депутатга тегишли доимий комиссия ёки комитет томонидан асосли жавоб қайтарилади.

СССР халқ депутатлари съезди қарорига қўшилмаган СССР халқ депутати, СССР Олий Совети ёки улар органлари қарорига рози бўлмаган СССР Олий Совети ёки уларнинг органлари аъзоси мажлисда ўзининг алоҳида фикрини баён қилиб беришда афзал ҳуқуққа эгадир.

СССР халқ депутати СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ёки улар органлари мажлисларида муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан ўз нутқларида ёки овоз бериш чоғида баён қилган позицияси учун агар Қонун тўғридан-тўғри тақиқлаб қўйган хатти-ҳаракатларга йўл қўйган бўлмаса, жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби ушбу Қонун билан, СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети иш тартиби билан, СССРнинг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

12-модда. **СССР халқ депутатининг қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ҳуқуқи**

СССР халқ депутати СССР халқ депутатлари съездида ва СССР Олий Советида Қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ янги Қонун ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида масала қўйиш, СССРнинг янги Қонун лойиҳаларини, амалдаги СССР қонунларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаларини СССР халқ депутатлари съезди ёки СССР Олий Совети муҳокамасига киритиш тарзида, шунингдек СССРнинг амалдаги қонунларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар тарзида амалга оширилиши мумкин.

13-модда. **Депутат сўрови**

СССР халқ депутати ёки бир гуруҳ СССР халқ депутатлари СССР Конституцияси, СССР қонунлари, СССР Давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари томонидан қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатлар бузилганлиги ёки бажарилмаганлиги фактлари юзасидан, шунингдек умумдавлат аҳамиятига молик бошқа масалалар юзасидан СССР халқ депутатлари съезди мажлисларида ва СССР Олий Совети сессияларида СССР Министрлар Советига, СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети томонидан тузиладиган ёки сайлаб қўйиладиган органларнинг раҳбарларига, СССР Президентига эса — СССР халқ депутатлари съезди мажлисларида сўров билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Депутат сўрови ёзма шаклда берилади. СССР халқ депутати ёки унинг илтимосига мувофиқ СССР халқ депутатлари съездида ёки СССР Олий Совети сессияси мажлисида раислик қилувчи сўровни ўқиб эшиттиради.

Сўров берилган давлат органи ёки мансабдор шахс унга расмий жавоб қайтаришга мажбур. Сўровга ёзма жавоб узоғи билан уч кун муддат ичида ёки СССР халқ депутатлари съезди ёхуд СССР Олий Совети томонидан белгиланган бошқа муддатда тақдим этилади ҳамда СССР халқ депутатларининг ушбу съездида ёки СССР Олий Совети сессиясида ўқиб эшиттирилади. СССР халқ депутати мансабдор шахснинг сўровга қайтарган жавобига баҳо беришга ҳақлидир. Сўров муносабати билан бўлиб ўтган муҳокама натижалари юзасидан қарор қабул қилинади.

Сўров, унга берилган жавоб, СССР халқ депутатлари съезди ёки СССР Олий Советининг сўровни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилган қарори матбуотда эълон қилиниши лозим.

СССР халқ депутати иттифоқдош республика қонунларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқарувининг республика ва маҳаллий органларига сўров билан мурожаат қилиши мумкин.

14-модда. **СССР халқ депутатларининг СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети сессиялари мажлисларида киритган таклифлари ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш**

СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети сессияси мажлисларида СССР халқ депутатлари киритган ёки раислик қилувчига ёзма шаклда берган таклифлар ва мулоҳазалар СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети, СССР Олий Советининг комитетлари ёки палаталарнинг доимий комиссиялари томонидан кўриб чиқилади ёки бўлмаса улар томонидан тегишли давлат ва жамоат органларига ҳамда мансабдор шахсларга кўриб чиқиш учун юборилади.

Депутатларнинг СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети сессиялари мажлисларида киритган таклифлари ва мулоҳазалари юборилган давлат ва жамоат органлари, шунингдек мансабдор шахслар уларни бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқишга ва натижалари тўғрисида бевосита депутатга, шунингдек СССР Олий Совети Президиумига хабар қилишга мажбурдирлар.

Депутатлар таклифлари ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш ва амалга оширишни СССР Олий Советининг комитетлари, СССР Олий Совети палаталарининг доимий комиссиялари назорат қилиб борадилар.

15-модда. **СССР халқ депутатининг СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети органларидаги фаолияти**

СССР халқ депутатлари съезди ёки СССР Олий Совети органларига сайланган СССР халқ депутати уларнинг ишида қатнашишга мажбур.

СССР Олий Советининг комитети ёки палатанинг доимий комиссияси таркибига кирмайдиган СССР халқ депутати уларнинг мажлисларида қатнашиш, таклифлар киритиш, кўриб чиқилаётган масалаларни муҳокама қилиш ва қарор қабул қилишда маслаҳат овози билан қатнашиш ҳуқуқига эга. Депутат комитет ёки доимий комиссиянинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз таклифини Қонун лойиҳасига ялпи тузатиш сифатида киритиши мумкин. Депутат киритган тузатишлар СССР Олий Совети томонидан кўриб чиқилади ва овозга қўйилади.

СССР халқ депутати комитет ёки палатанинг доимий комиссияси ишида мунтазам қатнашмаганлиги учун уларнинг таркибидан чиқарилиши мумкин.

16-модда. **СССР халқ депутатининг СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ва улар органларининг топшириқларини бажаришда қатнашиши**

СССР халқ депутатлари съездининг, СССР Олий Советининг ёки улар органларининг топшириғига мувофиқ, СССР халқ депутати давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар СССР қонунларини қандай бажараётганлигини текширишда қатнашади. Текшириш натижалари тўғрисида СССР халқ депутати тегишли суратда СССР халқ депутатлари съездига, СССР Олий Советига ёки уларнинг органларига ахборот беради. Зарур ҳолларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш, қонунсиз қарорларни бекор қилиш, қонуннинг бузилишига, СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети қарорларини бажармасликка йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида таклифлар киритади.

17-модда. **Депутат текшируви**

СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ва улар органларининг қарори билан ёхуд камида 100 кишидан иборат СССР халқ депутатлари гуруҳининг ташаббуси билан депутат тафтиши тайинланиши мумкин. Барча давлат органлари ва мансабдор шахслар текширишни ўтказишда зарур ёрдам беришлари шарт; СССР халқ депутатининг ёки текшириш олиб бораётган депутатлар комиссиясининг талабига мувофиқ масалани холисона ўрганиш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни ҳеч монеликсиз беришлари шарт. Депутат текширувини олиб бораётган депутатларга тушунтиришлар беришдан бош тортишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Текшириш натижалари тегишли суратда СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ёки уларнинг органларига маълум қилинади.

III. СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИНИНГ САЙЛОВ ОКРУГИДАГИ ЁКИ УНИ САЙЛАГАН ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИДАГИ ФАОЛИЯТИ

18-модда. **СССР халқ депутатининг сайлов округидаги ёки уни сайлаган жамоат ташкилотидаги иш билан боғлиқ ваколатлари**

СССР халқ депутати сайлов округидаги ёки уни сайлаган жамоат ташкилотидаги ўз ваколатларини амалга ошириш мақсадида:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, тегишли жамоат ташкилотларининг органларида сайловчилар ҳамда жамоат ташкилотлари аъзоларининг манфаатларига тааллуқли бўлган ҳар қандай масалаларни қараб чиқишда қатнашишга;

СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ва улар органларининг қонун ва қарорлари бажарилишини ташкил этиш ҳамда назорат қилишда қатнашишга;

қонунларнинг фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳуқуқларининг ҳамда қонуний манфаатларининг бузилганлигини, сансалорлик ва тўрачилик кўринишлари ҳақидаги маълумотларни ўз ташаббуси билан, зарур ҳолларда комиссиялар тузиб ёки давлат органлари, жамоат ташкилотларининг вакилларини, халқ назоратчиларини жалб қилган ҳолда текширишга;

ўзи давлат ва жамоат органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга юборган таклифлар, ариза-лар ва шикоятларнинг қараб чиқилишини назорат қилишга, уларнинг кўриб чиқилишида шахсан қатнашишга ҳақлидир. Давлат ва жамоат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари депутатнинг назорат қилиш фаолиятида унга ёрдам кўрсатишлари шарт;

округ сайловчилари йиғилишлари ёки конференцияларини, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг маҳаллий органлари билан учрашувлар ўтказишга;

халқ депутатларининг, сайловчиларнинг турли уюшмалари ишида, ҳудуддаги ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органлари ишида, меҳнат коллективларининг, истиқомат жойларидаги фуқароларнинг ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

19-модда. **СССР халқ депутатининг фуқаролардан тушган таклифлар, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши**

СССР халқ депутати ўзига келган таклиф, ариза ва шикоятларни қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларнинг тўғри ва ўз вақтида ҳал қилиниши юзасидан чоралар кўради; фуқароларни қабул қилади, жамоатчилик фикрини ўрганади, тегишли халқ депутатлари Советларига, уни сайлаган жамоат ташкилотининг органларига, зарур ҳолларда эса — СССР халқ депутатлари Съездига, СССР Олий Советига, бошқа давлат ва жамоат органларига таклифлар киритади.

СССР халқ депутатининг илтимосига мувофиқ, у сайловчиларни қабул қилаётган пайтда давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари қатнашишга мажбурдирлар.

20-модда. **СССР халқ депутатининг сайловчилар олдида ёки уни сайлаган жамоат ташкилоти олдида ҳисоб бериши**

СССР халқ депутати ўз иши тўғрисида, сайловолди программаси ва наказлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида округ сайловчилари олдида ёки уни сайлаган жамоат ташкилоти олдида, шунингдек, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган коллективлар ва жамоат ташкилотлари олдида йилида камида бир марта ҳисобот беришга мажбурдир.

СССР халқ депутатининг ҳисоботи камида 500 кишидан иборат сайловчилар гуруҳининг ёки уни сайлаган жамоат ташкилоти аъзоларининг талабига мувофиқ ҳам ўтказилиши мумкин.

Маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари, тегишли жамоат ташкилотлари таъсис этган оммавий ахборот воситалари СССР халқ депутатларининг ҳисоботлари ёритилишини таъминлайдилар.

21-модда. **Ҳисоботлар ва сайловчилар билан ёки уни сайлаган жамоат ташкилотининг аъзолари билан учрашувларни ўтказишда СССР халқ депутатига ёрдам бериш**

СССР халқ депутатига ҳисоботларни ҳамда округ сайловчилари ёки уни сайлаган жамоат ташкилотининг аъзолари билан учрашувларни ўтказиш учун зарур шароитлар таъминлаб берилади. Унинг ташаббуси билан халқ депутатлари тегишли маҳаллий Советининг президиуми ёки ижроия комитети ёхуд жамоат ташкилотининг маҳаллий органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маъмурияти бино ажратадилар, фуқароларни депутатнинг ҳисоботи, унинг сайловчилар ёки жамоат ташкилоти аъзолари билан учрашувлари қачон ва қаерда ўтказилишидан хабардор қиладилар, депутатнинг таклифига мувофиқ учрашувларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборадилар, бошқача тарзда ёрдам берадилар.

СССР халқ депутатининг илтимосига кўра давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар унга ҳисобот учун ва сўзга чиқиш учун зарур бўлган маълумот ва ахборот маълумотларини берадилар.

IV. НАКАЗЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

22-модда. **СССР халқ депутатига наказлар**

СССР халқ депутатига наказлар СССР халқ депутатлигига номзод округ сайловчилари йиғилишлари ёки конференцияларида бўлган учрашувлар чоғида, жамоат ташкилотларидан сайланган вақтда эса — жамоат ташкилотлари Умумиттифоқ органларининг съездларида, конференциялари ёки пленумларида қабул қилган топшириқлардан иборат.

Умумиттифоқ давлат ёки СССР Олий Совети комитетларига, унинг палаталарининг доимий комиссияларига, СССР Министрлар Советига, бошқа Умумиттифоқ давлат ва жамоат органларига наказларни дастлабки суратда кўриб чиқишни ва улар юзасидан тегишли таклифлар тайёрлашни топшириши мумкин.

СССР Министрлар Совети СССР Олий Совети комитетлари ва унинг палаталарининг доимий комиссиялари берган хулосаларни ҳисобга олиб, наказларни бажариш юзасидан тадбирларнинг умумлаштирилган планини СССР Олий Совети муҳокамасига киритади.

СССР Олий Совети айрим наказларни бажариш мақсадга мувофиқ эмаслиги ёки бунинг иложи йўқлиги ҳақида қарор қабул қилган тақдирда СССР халқ депутати бундай наказларни қўшимча суратда ўрганиб чиқиш ҳамда такроран кўриб чиқиш учун киритишга ҳақлидир.

Наказлар иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат планларини ишлаб чиқиш ҳамда СССРнинг Давлат бюджетини тузиш чоғида ҳисобга олинади. Уларни амалга ошириш чора-тадбирлари планларда ва бюджетда алоҳида бўлимга ажратилади.

24-модда. **Наказларни бажаришни ташкил этиш**

СССР Олий Совети томонидан ижро этишга қабул қилинган наказларнинг бажарилишини СССР Министрлар Совети, бошқа давлат ва жамоат органлари таъминлайдилар.

Наказларнинг бажарилишини СССР Олий Совети, унинг комитети ва палаталарининг доимий комиссиялари, СССР халқ депутатлари назорат қиладилар.

СССР Министрлар Совети, бошқа Умумиттифоқ давлат, жамоат органлари наказлар юзасидан қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганлиги ҳақида йилида камида бир марта СССР Олий Советига ахборот берадилар.

СССР Олий Советининг комитетлари ва унинг палаталарининг доимий комиссиялари наказлар юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқадилар, СССР Министрлар Совети, бошқа давлат органлари раҳбарларининг ҳамда мансабдор шахсларнинг ахборотларини тинглайдилар.

Депутат қилиб сайланмаган номзодларга наказлардаги таклифларни, шунингдек, сайловолди йиғилишларида киритилган ҳамда республика ва маҳаллий органлар ихтиёрида бўлган таклифларни қараб чиқиш ва амалга оширишни тегишли республика органлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ташкил этадилар. Бундай таклифларни қараб чиқиш ва амалга ошириш натижалари тўғрисида республика органлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг президиумлари фуқароларга бевосита ахборот берадилар.

25-модда. **СССР халқ депутатининг наказлар билан иш олиб боришда қатнашиши**

СССР халқ депутати наказларни умумлаштиришда, уларни амалга оширишга доир тадбирлар планини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда қатнашади, уларнинг бажарилишини назорат қилади, наказлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида сайловчиларни ва жамоат ташкилотларини ҳабардор қилади.

СССР халқ депутати СССР Олий Советининг ёки унинг органларининг топшириғига мувофиқ, шунингдек, ўз ташаббуси билан зарур ҳолларда мутахассисларни жалб қилиб, наказларнинг бажарилишини текширади. Текшириш натижалари тўғрисида СССР халқ депутати СССР Олий Советига ёки унинг органларига, шунингдек, сайловчиларга ва тегишли жамоат органларига ахборот беради.

26-модда. **Наказлар билан ишлашда ошкоралик**

Наказлар юзасидан қабул қилинган СССР Олий Советининг қарорлари эълон қилиниши керак.

Халқ депутатлари Советлари, тегишли жамоат ташкилотлари таъсис этган оммавий ахборот воситалари сайловчиларнинг ва жамоат ташкилотларининг наказлари ҳамда бажарилаётганлигини ёритиб борадилар.

V. ДЕПУТАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ

27-модда. **Қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари**

СССР халқ депутатининг қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ҳуқуқига:

СССР халқ депутатлари Съезди ёки СССР Олий Совети мажлисида қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ҳуқуқи тартибида киритилган таклифни, албатта, кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини: қонунни қабул қилиш; янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилиш; таклиф этилган қонун лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш учун тегишли комитетларга ва доимий комиссияларга юбориш; қонун чиқариш соҳасидаги ташаббусни асосли суратда рад этиш ҳақидаги қарорлардан бирини қабул қилиш билан;

таклифларнинг, шунингдек, СССР халқ депутати киритган қонунга барча тузатишларнинг, албатта, овозга қўйилиши билан кафолат берилади.

28-модда. **СССР халқ депутатининг мансабдор шахс қабулига дарҳол кириш ҳуқуқи**

Депутатлик фаолияти масалалари юзасидан СССР халқ депутати раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахслар қабулига дарҳол кириш ҳуқуқидан, шунингдек, депутатлик гувоҳномасини тақдим этган ҳолда барча давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга монеликсиз кириш ҳуқуқидан фойдаланади.

29-модда. **Мансабдор шахсларнинг СССР халқ депутати мурожаатларини кўриб чиқишга доир бурчлари**

СССР халқ депутати депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан барча давлат ва жамоат органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳамда ўртага қўйилган масалаларни кўриб чиқишда қатнашишга ҳақлидир. Мазкур орган ва мансабдор шахс депутатнинг мурожаатига кечиктирмай тегишли масалани қўшимча равишда ўрганиш ёки текшириш зарур бўлиб қолганда эса узоғи билан бир ой муддатда жавоб беришга мажбурдирлар.

СССР халқ депутатининг халқ депутатлари Советлари ва улар органларининг, министрликлар, давлат комитетлари ва идоралари, Министрлар Советларининг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан мурожаатларини ана шу органлар кўриб чиқишлари керак. Масалалар қайси куни кўриб чиқилиши тўғрисида депутатга олдиндан маълум қилиниши лозим.

30-модда. **СССР халқ депутатининг қонунинг бузилишига чек қўйишни талаб қилиш ҳуқуқи**

СССР халқ депутати давлат ҳокимиятининг вакили сифатида шу жойнинг ўзида қонуннинг бузилишига чек қўйишни талаб қилишга, зарур ҳолларда эса — қонун, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини тўхтатишни тегишли органлар ва мансабдор шахслардан талаб қилишга ҳақлидир.

Давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг СССР халқ депутатининг талаби қаратилган мансабдор шахслари қонун бузилишларини бартараф этиш учун, зарур бўлиб қолганда эса — айбдорларни жавобгарликка тортиш ва кейинчалик бу ҳақда депутатга маълум қилиш учун дарҳол чоралар кўришга мажбурдирлар.

31-модда. **СССР халқ депутатининг ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи**

СССР Олий Совети Президиуми СССР халқ депутатини СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Советининг ҳужжатлари, шунингдек, ҳукумат ҳамда бошқа давлат ва жамоат органлари расмий равишда тарқатадиган ахборот ва маълумот материаллари билан таъминлайди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг президиуми ва ижроия комитетлари, бошқа давлат ва жамоат органлари, шунингдек, мансабдор шахслар СССР халқ депутати мурожаат қилганда уни депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан мутахассислардан маслаҳат олишини таъминлашлари, унга зарур бўлган ахборотни ҳеч кечиктирмай беришлари шарт.

СССР халқ депутати депутатлик фаолиятини таъминлаш учун сайлов округи ҳудудида жойлашган ёки депутатни сайлаган жамоат ташкилотининг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг нусха кўчириш-кўпайтириш ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланишга ҳақлидир.

(Давоми учинчи бетда).

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

СССР халқ депутати ўзининг депутатлик фаолияти масалалари юзасидан халқ депутатлари Советлари ва тегишли жамоат ташкилоти таъсис этадиган матбуот органларида, телевидение ва радио орқали чиқиш учун устун даражадаги ҳуқуққа эгадир. Депутат тақдим этган материаллар унинг розилигисиз таҳрир этилишига йўл қўйилмайди.

32-модда. **СССР халқ депутатига ҳуқуқий ёрдам бериш**

Халқ депутатлари Советларининг президиумлари, уларнинг ижроия ва бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар, илмий-ҳуқуқий муассасалар, ўқув юртлари маъмурияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари СССР халқ депутатининг депутатлик фаолиятида юзага келадиган ҳуқуқий масалаларда ёрдам берадилар.

33-модда. **СССР халқ депутатининг шани, қадр-қиммати ва шахсини ҳимоя қилиш**

СССР халқ депутатини ошкора ҳақорат қилиш, шунингдек, унга нисбатан туҳмат қилиш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Депутатлик вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш ёки кимнингдир фойдасига қарорлар қабул қилинишига эришиш мақсадида қандайдир шаклда бўлмасин, СССР халқ депутатига ёки унинг яқин қариндошларига таъсир кўрсатиш уч йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш ёхуд беш минг сўмдан ўн минг сўмгача жарима солиш билан жазоланади.

34-модда. **СССР халқ депутатининг дахлсизлиги**

СССР халқ депутати СССР Олий Советининг розилигисиз, сессиялар ўртасидаги даврда эса — СССР Олий Совети Президиумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд йўли билан бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

СССР халқ депутатига нисбатан жиноий ишни фақат СССР Бош прокурори қўзғаши мумкин.

СССР халқ депутатини мажбуран ушлаб келтириш, шунингдек, унинг шахсий буюмларини, юки, транспорти, уй-жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

СССР халқ депутати депутатлик ваколатларини ижро этиш даврида қонунни бузганликда унга қўйилган айб учун у ваколатлар муддати тугагандан кейин СССР халқ депутатига нисбатан қонунда белгиланган тартибдагина жавобгарликка тортилиши мумкин.

35-модда. **СССР халқ депутатини жавобгарликка тортиш учун розилик олиш тартиби**

СССР Бош прокурори СССР халқ депутатини жавобгарликка тортиш, қамоққа олиш ёки маъмурий жазо чорасини қўллашга СССР Олий Советининг, сессиялар оралиғидаги даврда эса СССР Олий Совети Президиумининг розилигини олиш учун депутатга айб қўйиш, уни қамоққа олиш учун рухсатнома бериш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни судга юбориш олдидан СССР Олий Советига тақдимнома топширади.

СССР Олий Совети тақдимномани бир ой муддатдан кечиктирмай кўриб чиқади.

Зарурат бўлганда СССР Бош прокуроридан қўшимча материаллар талаб қилиб олиниши мумкин. Масалаларни кўриб чиқишда ўзига нисбатан тақдимнома берилган СССР халқ депутати қатнашишга ҳақлидир. СССР Олий Совети асослаб берилган қарор қабул қилади ва уч кун муддат ичида бундан СССР Бош прокурорини хабардор қилади.

СССР Олий Совети асос бўлган тақдирда ўз қарорини қайта кўриб чиқиши мумкин.

СССР Бош прокурори иш кўриб чиқилгандан кейин уч кун муддат ичида тергов ёки ишни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида СССР Олий Советига маълум қилиши шарт.

36-модда. **СССР халқ депутатининг меҳнат ҳуқуқларига, хизмати уставлар ва низомлар билан бошқариб туриладиган ҳарбий хизматчилар ва бошқа категориядаги фуқаролардан бўлган СССР халқ депутатининг ҳуқуқларига кафолат бериш**

СССР халқ депутати ўз ваколатлари даврида, шунингдек, ана шу ваколатлар тугагандан кейин икки йил давомида СССР Олий Советининг розилигисиз маъмуриятнинг ташаббуси билан корхона, муассаса ёки ташкилотдаги ишидан бўшатилиши, колхоздан, бошқа кооперативдан, ўқув юртидан чиқарилиши ёки интизомий жазо тариқасида кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Хизмати уставлар ва низомлар билан бошқариб туриладиган ҳарбий хизматчилар ва бошқа категориядаги фуқаролардан бўлган СССР халқ депутати ўз розилигисиз маъмурият ёки қўмондонликнинг ташаббуси билан хизматдан бўшатилиши, лавозими пасайтирилиши, унвони туширилиши, шунингдек, бошқа хизматга ўтказилиши мумкин эмас. Унга навбатдаги офицерлик унвони ёки эгаллаб турган лавозимига мувофиқ офицерлик унвонига тенг бўлган махсус унвон берилишини тўхтатиб қўйиш мумкин эмас.

Депутатлик ваколатларини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилинган СССР халқ депутатига ана шу муддат тугагандан кейин ўша корхона, муассаса, ташкилотдаги илгариги иши (лавозими), мазкур иш бўлмаганида эса — шу корхонада, муассаса, ташкилотда ёки унинг розилиги билан бошқа корхона, муассаса, ташкилотда шунга тенг келадиган иш (лавозим) берилади.

Фаолияти уставлар ва низомлар билан бошқариб туриладиган ҳарбий хизматчилар ва бошқа хизматчилардан бўлган ҳамда хизмат вазифаларидан озод қилинган СССР халқ депутати ҳақиқий ҳарбий ёки бошқа хизматда қолдирилиб, СССР Олий Советига командировка қилинади, СССР Олий Советидаги ва унинг органларидаги бошқа ишлардан озод қилинган иш муддати тугагандан кейин эса унинг розилиги билан илгари эгаллаб турган, унга тенг ёки ундан юқори лавозимга хизматни ўташ учун тегишли министрликлар ва идоралар ихтиёрига юборилади.

СССР халқ депутатининг ваколатлар муддати умумий ва узлуксиз иш, хизмат стажи, аввалги ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланади.

СССР халқ депутати эгаллаб турган лавозимда вақтинча ишлаб туриш учун қабул қилинган ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилади ва у депутат илгариги ишига қайтгач, бекор қилинади.

37-модда. **СССР халқ депутати ўз ваколатларини амалга ошириши учун моддий-молиявий шарт-шароитни таъминлаш**

СССР халқ депутатининг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлари СССР Олий Совети белгилайдиган тартибда ва миқдорда қопланади.

Ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилинган ва СССР Олий Советига ёки унинг органларига ишга ўтказилган СССР халқ депутатига депутатлик вазифаларини бажариш даврида СССР Олий Совети белгилайдиган миқдорда иш ҳақи тўланади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг президиумлари, ижроия комитетлари СССР халқ депутатига депутатлик ваколатларини амалга ошириши учун алоқа воситалари билан жиҳозланган алоҳида хона берадилар.

СССР халқ депутати меҳмонхоналарга навбатдан ташқари жойлашиш ҳуқуқига эга.

38-модда. **СССР халқ депутатининг транспортда бепул юриш ҳуқуқи**

СССР халқ депутати СССР ҳудудида барча темир йўл, ҳаво, автомобиль, ички сув йўлларида ва шаҳар пассажир транспортининг таксидан ташқари барча турларида бепул юриш ҳуқуқидан, шунингдек, қатнов ҳужжатларини навбатдан ташқари олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Бундай ҳуқуқлар биринчи гуруҳ ногирони бўлган СССР халқ депутатига ҳамроҳлик қилувчи шахсга ҳам жорий этилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар СССР халқ депутатига депутатлик вазифаларини бажариши чоғида қатнаш учун транспорт беришлари шарт.

39-модда. **СССР халқ депутатларининг отпускалари**

СССР халқ депутатига ҳар йили 36 иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган отпуска берилади. Қонунда бундан кўпроқ отпуска кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Отпускага ҳақ тўлаш тартиби СССР Олий Совети томонидан белгиланади.

40-модда. **СССР халқ депутатига хизмат турар жойи бериш**

СССР Олий Советига ёки унинг органларига сайланган ва шу муносабат билан ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилинган ҳамда Москвада доимий истиқомат жойига эга бўлмаган СССР халқ депутатига оила аъзолари билан бирга яшаши учун вақтинчалик хизмат турар жойи берилади.

Депутат ва унинг оила аъзолари эгаллаб турган доимий истиқомат жойидаги уй шу давр мобайнида банд қилиб қўйилади.

41-модда. **СССР халқ депутатининг ёрдамчилари тўғрисида**

СССР халқ депутати депутатлик ваколатларини амалга оширишда унга ташкилий-техникавий ва илмий маслаҳат ёрдами бериш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар штатида бўлган ёхуд депутатнинг илтимосига биноан халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг штатларига киритиладиган ёрдамчи-котибларга эга бўлишга ҳақлидир.

СССР халқ депутати жамоатчилик асосида ишлайдиган ёрдамчиларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ёрдамчиларнинг иш шароити ва тартиби меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва СССР Олий Совети тасдиқлайдиган СССР халқ депутатининг ёрдамчилари тўғрисидаги Низом асосида бошқариб турилади.

42-модда. **Депутатлик ваколатларини бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш**

СССР халқ депутатининг ваколатларини бажариш муносабати билан ушбу Қонунда кўзда тутилган харажатлар, жумладан, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Советлари қилган харажатлар СССР Олий Советининг бюджети ҳисобидан қопланади.

43-модда. **Ушбу Қонун талабларини бажармаганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги**

Совет давлати СССР халқ депутатига ўз ваколатларини тўсқинликсиз ва самарали амалга ошириши учун кафолат беради, унинг ҳуқуқлари, шани ва қадр-қимматини ҳимоя қилади.

Давлат ва жамоат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг депутатлар олдидаги ўз бурчларини бажармайдиган, унинг ишига тўсқинлик қиладиган, қасддан унга сохта ахборот берадиган, депутатлик фаолияти кафолатини бузадиган мансабдор шахслари қонунга биноан жавобгарликка тортиладилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 31 май.

СССР Олий Советининг қарори

«СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «СССР халқ депутати мақоми тўғрисида»ги СССР қонуни у эълон қилинган кундан бошлаб кучга киритилсин.

2. СССР Министрлар Совети «СССРда халқ депутатлари мақоми тўғрисида»ги СССР Қонунига ва «СССР халқ депутатининг мақоми тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ СССР қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 1990 йил 1 октябргача СССР Олий Советига таклифларни тақдим этсин.

3. Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советлари иттифоқдош республикалар қонунларини «СССРда халқ депутатлари мақоми тўғрисида»ги СССР Қонунига ва «СССР халқ депутатининг мақоми тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштирсинлар.

4. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

«СССРда халқ депутатларининг мақоми тўғрисида» 1972 йил 20 сентябрда қабул қилинган СССР Қонунининг 1979 йил 19 апреллаги СССР Қонуни таҳрири (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1979 йил № 17, 277-модда);

СССР Олий Совети Президиуми 1980 йил 1 сентябрда қабул қилган «Сайловчиларнинг наказлари билан ишлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1980 йил, № 36, 736-модда);

«СССР Олий Совети Президиумининг «Сайловчилар наказлари билан ишлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида» 1980 йил 23 октябрда қабул қилинган СССР Қонуни (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1980 йил, № 44, 913-модда);

СССР Олий Совети Президиумининг «СССР халқ депутатлари мақоми тўғрисида»ги СССР Қонуни 33 ва 34-моддаларини қўлланиш тартиби ҳақида» 1983 йил 3 ноябрда қабул қилган қарори (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1983 йил, № 45 688-модда);

СССР Олий Совети Президиумининг «СССР халқ депутатлари мақоми тўғрисида»ги СССР Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида» 1986 йил 24 декабрда қабул қилган Фармони (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1986 йил, № 52, 1048-модда) ҳамда «СССРнинг баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» СССР Олий Совети Президиуми чиқарган Фармонларни тасдиқлаш ҳақида» 1987 йил 30 июнда қабул қилинган СССР Қонунининг юқорида номи келтирилган Фармонни тасдиқлаш қисми (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1987 йил, № 26, 390-модда);

СССР Олий Совети Президиумининг «Халқ депутатлари Советларининг депутатлар гуруҳлари тўғрисида» 1986 йил 24 декабрда қабул қилган қарори (СССР Олий Совети Президиумининг протоколи, 1986 йил, № 54, 150 банди).

СССР Олий Советининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил, 31 май.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети хабар беради

1989 ЙИЛГИ БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети аҳолининг сони, ёш таркиби, никоҳда бўлиши, оилаларнинг сони ва ҳажми, маълумот даражаси, миллати ва тили, яшаш воситалари манбалари ҳақида узил-кесил якунлар олди.

1. Ўзбекистон ССР аҳолисининг сони 1989 йилнинг 12 январида 19905 минг кишини ташкил этди. Аҳоли 1979 йилга нисбатан 4514 минг киши ёки 29,3 фоиз кўпайди.

Урушдан кейинги рўйхат маълумотларига кўра, аҳоли сони қуйидаги тарзда ўсди:

	Аҳоли сони, минг киши				Ўсишнинг ўртача йиллик суръатлари, фоиз ҳисобида		
	1959	1970	1979	1989	1959—1969	1970—1978	1979—1988
Бутун аҳоли	8119	11799	15391	19905	3,5	3,0	2,7
Шаҳар аҳолиси	2729	4322	6348	8111	4,3	4,4	2,5
Қишлоқ аҳолиси	5390	7477	9043	11794	3,1	2,2	2,7

1979-1988 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон АССРда, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аҳолининг ўсиши қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	Мавжуд аҳоли, минг киши		1989 йилда 1979 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	Доимий аҳоли, минг киши		1989 йилда 1979 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
	1979	1989		1979	1989	
Ўзбекистон ССР	15391	19905	129,3	15389	19810	128,7
Қорақалпоғистон АССР	902	1215	134,8	903	1212	134,3
Андижон вилояти	1349	1727	128,0	1355	1721	127,0
Бухоро вилояти	1263	1629	129,1	1267	1623	128,1
Жиззах вилояти	511	738	144,2	512	733	143,0
Қашқадарё вилояти	1121	1599	142,7	1124	1596	141,9
Наманган вилояти	1100	1477	134,3	1101	1471	133,7
Самарқанд вилояти	1783	2291	128,4	1782	2282	128,0
Сурхондарё вилояти	895	1254	140,1	897	1250	139,4
Сирдарё вилояти	449	569	126,9	448	565	126,2
Тошкент вилояти	1792	2158	120,4	1793	2143	119,6
Фарғона вилояти	1694	2154	127,1	1698	2142	126,1
Хоразм вилояти	747	1015	135,8	750	1012	134,9
Тошкент шаҳар Совети	1785	2079	116,5	1759	2060	117,1

Табиий ўсиш Ўзбекистон ССР аҳолиси ўсишининг асосий омилидир. Шаҳар аҳолиси ўн йил ичида 1763 минг киши ёки 27,8 фоиз, қишлоқ аҳолиси 2751 минг киши ёки 30,4 фоиз кўпайди. Жумҳуриятда 1979 йилдагига нисбатан аҳолининг умумий сонида шаҳарликлар ва қишлоқ аҳолиси улуши ўзгармади, 41,0 ва 59,0 фоиз бўлди.

2. Аҳолининг ёшга қараб тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

	Аҳоли сони минг киши		1989 йилда 1979 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида	
	1979	1989		1979	1989
Бутун аҳоли, жумладан маълум ёшдаги аҳоли, ёши	15389	19810	128,7	100	100
0-9	4397	5827	132,5	28,6	29,4
10-19	3819	4261	111,6	24,8	21,5
20-29	2525	3618	143,3	16,4	18,3
30-39	1298	2406	185,3	8,4	12,1
40-49	1339	1198	89,5	8,7	6,0
50-59	910	1212	133,2	5,9	6,1
60-69	553	754	136,3	3,6	3,8
70-79	409	350	85,6	2,7	1,8
80 ёш ва ундан катта	129	184	142,6	0,8	0,9
Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик	6725	8507	126,5	43,7	42,9
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли	7345	9720	132,3	47,7	49,1
Меҳнатга лаёқатли ёшдан катта	1309	1583	121,0	8,5	8,0

Ўтган ўн йил мобайнида меҳнатга лаёқатли аҳолининг (16-59 ёшдаги эркаклар, 16-54 ёшдаги аёллар) кўпайиши 2375 минг кишини ёки 1979 йилга нисбатан 32,3 фоизни ташкил этди.

Ҳозирги вақтда жумҳуриятда меҳнатга лаёқатли ёшдаги 9720 минг киши истиқомат қилади. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўсишининг янада юксак суръатлари аҳоли умумий сонида ана шу категориядаги аҳолининг ялпи салмоғи 1979 йилдаги 47,7 фоиздан 1989 йилда 49,1 фоизга етишига олиб келди.

Меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган кишилар ўтган давр мобайнида 21 фоиз кўпайди. Умуман жумҳуриятда ана шу ёшдаги гуруҳ улуши бутун аҳолининг 8 фоизига тўғри келмоқда.

3. Жумҳурият аҳолисининг умумий сонида эркаклар 9784 минг кишини (49,4 фоизни), аёллар 10026 минг кишини (50,6 фоизни) ташкил этмоқда. Аҳолининг жинсий структураси яхшиланганлиги кўзга ташланмоқда. Агар 1979 йилда ҳар минг аёлга 965 эркак тўғри келган бўлса, 1989 йилда бу кўрсаткич 976 кишини ташкил этди.

Шаҳар жойларида ўртача 30 ёшдан юқори бўлган аёллар кўпайди. Бу эса эркаклар орасида ўлимнинг бирмунча кўпайиши билан ҳам боғлиқ.

4. Жумҳурият аҳолисининг 1989 йилда никоҳ ҳолати бўйича тақсимланиши қуйидагича бўлди:

	Оилавий аҳволи қуйидагича бўлган шахсларнинг муайян ёшлардаги улуши, фоиз ҳисобида							
	Эркаклар				Аёллар			
	Ҳеч қачон оилали бўлмаганлар	Оилалилар	Бевалар	Ажрашганлар ва бирга яшамайдиганлар	Ҳеч қачон оилали бўлмаганлар	Оилалилар	Бевалар	Ажрашганлар ва бирга яшамайдиганлар
16 ва ундан катта ёшдаги барча аҳоли	25,7	69,2	2,2	1,8	17,6	65,7	11,5	4,0
16-19 ёш	97,2	1,5	0,0	0,0	84,6	13,3	0,1	0,3
20-24 ёш	56,0	40,3	0,1	0,8	25,9	69,2	0,4	2,6
25-29 ёш	9,4	87,1	0,3	2,1	6,9	86,3	1,0	4,7
30-39 ёш	2,7	93,8	0,4	2,7	2,7	88,0	2,7	6,2
40-49 ёш	1,2	93,8	1,4	3,2	1,2	83,5	8,2	6,8
50-59 ёш	0,8	91,6	4,6	2,5	0,9	74,7	18,7	5,1
60 ва ундан катта ёшдагилар	0,7	82,0	14,9	1,2	1,1	36,2	58,2	2,6

5. Аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра оилалар сони 3415 мингта бўлиб, бу 1979 йилдагидан 768 мингта оила (29,0 фоиз) кўпдир. Оилаларнинг ўртача катталиги жумҳурият бўйича ўзгармади ва ўн йил илгари бўлганидек 5,5 кишини, қишлоқ жойларда 6,2 кишини ташкил қилди. Айни пайтда шаҳарлардаги аҳоли ўртасида оилаларнинг ўртача катталиги бирмунча ошди. Бу кўрсаткич 1979 йилда 4,6 кишини ташкил этган бўлса, 1989 йилда 4,7 кишига етди.

1989 йилда оилалар сони ва уларнинг катталигига кўра гуруҳларга бўлиниши:

	Оилалар сони минг	Шу жумладан қуйидагича аъзолари бор оилалар					Оиланинг ўртача катталиги (бирга яшайдиган оилалар)
		2 киши	3 киши	4 киши	5 киши	6 ва ундан кўп киши	
Ўзбекистон ССР	3415	409	433	570	509	1494	5,5
Қорақалпоғистон АССР	178	9	13	21	24	111	6,6
Андижон вилояти	281	26	28	41	45	141	5,9
Бухоро вилояти	300	38	42	58	48	114	5,1
Жиззах вилояти	114	9	11	17	16	61	6,2
Қашқадарё вилояти	257	21	25	37	37	137	6,0
Наманган вилояти	250	25	26	38	42	119	5,6
Самарқанд вилояти	379	39	42	57	56	185	5,8
Сурхондарё вилояти	206	20	23	29	29	105	5,9
Сирдарё вилояти	101	12	13	18	16	42	5,4
Тошкент вилояти	397	60	58	75	60	144	5,1
Фарғона вилояти	370	43	44	59	59	165	5,5
Хоразм вилояти	142	9	9	15	18	91	6,9
Тошкент шаҳар Совети	440	98	99	105	59	79	4,2

Оилаларда ҳозир 18871,6 минг киши ёки жумҳурият аҳолисининг 95,3 фоизи яшамоқда. Бундан ташқари, оилаларнинг 677,8 минг аъзоси оиласидан ташқарида яшамоқда, лекин уларнинг оилалар билан бюджети умумий. Оиласизлар ёки оиласи билан алоқаси узилган (ёлғиз одамлар) 260,7 минг киши (1,3 фоиз)ни ташкил этади.

6. 1979-1988 йилларда жами аҳолининг ҳам, иш билан банд аҳолининг ҳам маълумот даражаси анча ошди:

	Олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотга эга бўлганлар	Тугалланган олий	Шу жумладан			
			Тугалланмаган олий	Ўрта махсус	умумий ўрта	тўлиқсиз ўрта
15 ва ундан катта ёшдаги ҳар 1000 кишидан						
1979 йил	765	70	20	89	334	252
1989 йил	867	92	19	150	408	198
Иш билан банд ҳар 1000 кишидан						
1979 йил	848	96	13	120	413	206
1989 йил	948	127	15	199	480	127

Қорақалпоғистон АССР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг билим даражаси қуйидагилар билан ифодаланади

	15 ва ундан катта ёшдаги ҳар 1000 кишидан маълумотлилари				Халқ хўжалигида банд бўлган ҳар 1000 кишидан маълумотлилари			
	олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз)	шу жумладан тугалланган олий	тўлиқ ўрта	тўлиқсиз ўрта	олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз)	шу жумладан тугалланган олий	тўлиқ ўрта	тўлиқсиз ўрта
Ўзбекистон ССР	867	92	577	198	948	127	694	127
Қорақалпоғистон АССР	854	78	555	221	939	115	679	145
Андижон вилояти	856	64	604	188	946	90	744	112
Бухоро вилояти	890	85	600	205	959	113	719	127
Жиззах вилояти	870	83	575	212	948	125	682	141
Қашқадарё вилояти	870	72	604	194	952	105	735	112
Наманган вилояти	874	59	631	184	955	86	774	95
Самарқанд вилояти	857	85	581	191	944	119	706	119
Сурхондарё вилояти	829	64	567	198	921	95	698	128
Сирдарё вилояти	856	80	546	230	933	111	656	166
Тошкент вилояти	843	81	539	223	933	111	651	171
Фарғона вилояти	856	70	586	200	946	96	727	123
Хоразм вилояти	882	72	591	219	958	103	731	124
Тошкент шаҳар Совети	917	211	538	168	968	275	575	118

1989 йил аҳолини рўйхатга олиш давомида жумҳуриятда истиқомат қилувчи барча миллатлар вакиллари тўғрисида маълумотлар олинди. Ўтган галги рўйхатга олишларда бўлганидек, рўйхатга олинувчилар миллатларини ёзишда ўз ақл-идрокларига асосландилар. Болаларнинг миллатини ота-оналар белгилашди.

Аксарият миллатларга мансуб аҳоли 1979-1988 йилларда кўпайди. Кўпайиш асосан табиий ўсиш ҳисобига бўлди, бунинг натижасида туғилиш даражаси юқори бўлган миллатлар аҳолиси тез суръатлар билан кўпайди.

(Давоми тўртинчи бетда).

1989 ЙИЛГИ БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ЖИҲАТДАН БЎЛИНИШИ

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси иккала жинс

	1979 йил одамлар сони:	1989 йил одамлар сони:	1989 йилда 1979 йилга нисбатан фоиз
Аҳолининг ҳаммаси	15389307	19810077	128,7
Ўзбеклар	10569007	14142475	133,8
Қорақалпоқлар	297788	411878	138,3
Руслар	1665658	1653478	99,3
Украинлар	113826	153197	134,6
Белоруслар	19073	29427	154,3
Қозоқлар	620136	808227	130,3
Грузинлар	4088	4704	115,1
Озарбайжонлар	59779	44410	74,3
Литваликлар	1040	1628	156.5
Молдаванлар	3152	5955	188,9
Латишлар	1464	1131	77,3
Қирғизлар	142182	174907	123,0
Тожиклар	594627	933560	157,0
Арманлар	42374	50537	119,3
Туркманлар	92285	121578	131,7
Эстонлар	1064	854	80,3
Абхазлар	110	129	117,3
Аварлар	529	767	145,0
Агуллар	28	128	4,6 баравар
Болқорлар	144	488	3,4 баравар
Бошқирдлар	25879	34771	134,4
Бурятлар	623	635	101,9
Даргинлар	1385	2030	146,6
Ингушлар	258	474	183,7
Кабардинлар	315	907	2,9 баравар
Қалмиқлар	221	517	2,3 баравар
Кареллар	144	194	134,7
Комилар	231	472	2 баравар
Қумиқлар	395	713	180,5
Лаклар	2248	2807	124,9
Лазгинлар	2049	3071	149,9
Марилар	3427	2964	86,5
Мордвалар	12263	11914	97,2
Нўғайлар	99	91	91,9
Осетинлар	5081	5823	114,6
Рутуллар	5	53	10,6 баравар
Табасаранлар	305	457	149,8
Татарлар	531205	467829	88,1
Тувалар	267	73	27,3
Удмуртлар	1987	2466	124,1
Цахурлар	51	24	47,1
Чеченлар	573	1006	175,6
Чувашлар	9389	10074	107,3
Ёқутлар	119	183	153,8
Адигейлар	122	139	113.9
Олтойлар	125	191	152,8
Яҳудийлар	73920	65493	88,6
Қорачойлар	289	329	113,8
Хакаслар	231	288	124,7
Черкаслар	243	211	86,8
Коми-пермяклар	143	171	119,6
Долганлар	25	37	148,0
Коряклар	70	143	2,0 баравар
Мансилар	7	23	3,3 баравар
Ненецлар	28	60	2,1 баравар
Хантилар	6	36	6,0 баравар
Эвенклар	49	37	75,5
Ительменлар	4	19	4,8 баравар
Нанайлар	17	14	82,4
Негидаллар	6	15	2,5 баравар
Удэгейлар	15	14	93,3
Ульчилар	37	13	35,1
Эвенлар	13	31	2,4 баравар
Абазинлар	86	79	91,9
Гагаузлар	111	190	171,2
Тоғлиқ яҳудийлар	216	617	2,9 баравар
Грузин яҳудийлари	57	210	3,7 баравар
Ўрта Осиё яҳудийлари	25643	28369	110,6
Ижорлар	1	29	29,0 баравар
Караимлар	29	55	189,7
Қримчаклар	72	173	2,4 баравар
Қрим татарлар	117559	188772	160,6
Татарлар	159	242	152,2
Удинлар	28	46	164,3
Лўлилар	12581	16397	130,3
Шорлар	198	283	142,9
Австрияликлар	23	34	147,8
Албанлар	24	16	66,7
Араблар	2039	2805	137,6
Ассирияликлар	260	186	71,5
Афғонлар	826	1655	2,0 баравар
Белужлар	149	20	13,4
Болгарлар	2443	2166	88,7
Можарлар	172	211	122,7
Вьетнамликлар	500	233	46,6
Голландлар	13	19	146,2
Греклар	14025	10453	74,5
Дунганлар	1106	1353	122,3
Ҳиндистон ва Покистон халқлари	139	756	5,4 баравар
Испанлар	37	54	145,9
Итальянлар	65	104	160,0
Хитойлар	656	816	124,4
Корейслар	163062	183140	112,3
Кубаликлар	223	253	113,5
Курдлар	982	1839	187,3
Немислар	39517	39809	100,7
Форслар	20026	24779	123,7
Поляклар	3654	3007	82,3
Руминлар	131	158	120,6
Серблар	16	26	162,5
Словаклар	22	42	190,9
Турклар	48726	106302	2,2 баравар
Уйғурлар	29104	35762	122,9
Финлар	202	181	89,6
Халха-монголлар	313	119	38,0
Хорватлар	4	14	3,5 баравар
Чехлар	130	94	72,3
Японлар	5	19	3,8 баравар
Бошқа миллатлар	1703	1689	99,2
Миллати кўрсатилмаганлар	47	231	4,9 баравар

Ўзбекистон ССР аҳолисининг миллати ва тилига қараб бўлиниши қуйидаги маълумотларда ифодаланади:

	Мазкур миллатга мансуб шахслар сони (мингта)		Шундан ушбу миллат тилини она тили деб билувчилар, фоиз	
	1979	1989	1979	1989
Аҳолининг ҳаммаси	15389	19810	95,7	95,6
Ўзбеклар	10569	14142	98,8	98,7
Қорақалпоқлар	298	412	96,1	94,6
Руслар	1666	1654	99,9	99,9
Украинлар	114	153	45,1	49,2
Белоруслар	19	29	50,2	52,9
Қозоқлар	620	808	94,7	93,0
Озарбайжонлар	60	44	88,3	79,4
Қирғизлар	142	175	80,4	80,1
Тожиклар	595	934	93,4	4,0
Арманлар	42	51	62,1	62,1
Туркманлар	92	122	92,6	90,3
Бошқирдлар	26	35	70,6	68,1
Мордвалар	12	12	49,3	47,3
Татарлар	531	468	84,2	78,5
Чувашлар	9	10	59,1	54,5
Яҳудийлар	74	65	32,6	26,5
Ўрта Осиё яҳудийлари	26	28	79,2	69,2
Қрим татарлари	118	189	77,1	93,2
Лўлилар	12	16	41,8	41,2
Греклар	14	11	67,7	53,5
Корейслар	163	183	62,1	55,8
Немислар	39	40	57,5	47,5
Форслар	20	25	14,3	15,1
Турклар	49	106	86,9	95,4
Уйғурлар	29	36	51,0	61,5
Бошқа миллатлар	50	62	64,9	63,3

	Шу миллатга мансуб шахслар умумий сонидан СССР халқларининг яна бир тилини эркин биладиганлар (фоиз)								СССР халқлари бошқа тилини билмайдиганлар фоиз.	
	Ўз республикаси тилини									
	ўзбек тилини		қорақалпоқ тилини		рус тилини		бошқа тилларни			
	1979	1989	1979	1989	1979	1989	1979	1989	1979	1989
Аҳолининг ҳаммаси	3,1	4,1	0,3	0,4	46,7	22,5	1,5	2,1	48,4	70,9
Ўзбеклар	0,2	0,3	0,2	0,1	52,9	22,3	1,2	1,9	45,5	75,4
Қорақалпоқлар	2,8	3,2	0,1	0,2	45,2	19,7	7,8	7,8	44,1	69,1
Руслар	5,9	4,5	0,1	0,1	0,0	0,1	0,9	1,1	93,1	94,2
Украинлар	3,3	3,5	0,1	0,1	40,3	34,1	9,2	7,9	47,1	54,4
Белоруслар	2,7	1,9	0,3	0,1	38,4	33,9	8,0	8,9	50,6	55,2
Қозоқлар	6,9	11,8	4,6	6,2	48,6	29,2	0,6	1,1	39,3	51,7
Озарбайжонлар	24,7	13,2	0,0	0,1	48,9	48,5	1,8	2,9	24,6	35,3
Қирғизлар	22,4	30,7	0,0	0,1	37,0	12,1	1,5	2,8	39,1	54,3
Тожиклар	28,1	36,8	0,0	0,0	34,7	17,3	1,1	1,4	36,1	44,5
Арманлар	2,7	3,4	0,0	0,1	55,5	52,3	7,5	6,6	34,3	37,6
Туркманлар	17,0	22,8	2,9	2,4	36,3	13,5	1,7	2,4	42,1	58,9
Бошқирдлар	6,2	10,4	0,2	0,3	68,8	60,3	4,1	4,5	20,7	24,5
Мордвалар	2,7	3,3	0,0	0,1	45,9	40,5	7,8	6,7	43,6	49,4
Татарлар	5,6	9,3	0,1	0,2	73,4	62,5	3,3	3,4	17,6	24,6
Чувашлар	5,0	6,2	0,1	0,1	54,6	48,5	6,2	6,1	34,1	39,1
Яҳудийлар	4,9	6,5	0,0	0,1	31,5	25,3	7,5	7,6	56,1	60,5
Ўрта Осиё яҳудийлари	4,6	9,9	0,0	0,0	66,9	52,7	5,6	7,7	22,9	29,7
Қрим татарлари	2,8	8,2	0,0	0,0	82,3	73,2	1,3	1,5	13,6	17,1
Лўлилар	28,4	39,0	0,0	0,0	28,5	11,8	7,2	6,5	35,9	42,7
Греклар	2,5	3,5	0,0	0,1	63,0	46,6	0,4	2,0	34,1	47,8
Корейслар	3,1	3,6	0,4	0,4	53,7	47,7	0,3	1,6	42,5	46,7
Немислар	2,5	2,9	0,0	0,1	53,3	42,1	0,4	1,3	43,8	53,6
Форслар	3,7	3,9	0,0	0,0	67,1	52,5	0,8	5,6	28,4	38,0
Турклар	31,0	43,6	0,0	0,1	42,0	26,3	0,7	1,2	26,3	28,8
Уйғурлар	12,9	20,4	0,0	0,1	56,2	32,2	0,7	0,9	30,2	46,4
Бошқа миллатлар	5,9	7,4	0,1	0,3	53,5	47,2	4,0	4,7	36,5	40,4

Рўйхатга олиш чоғида миллати билан бир қаторда сўралган кишиларнинг она тили ва улар СССР халқларининг эркин гаплаша оладиган иккинчи тили ҳисобга олинди. Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, жумҳурият аҳолисининг 95,6 фоизи ўз миллати тилини она тили деб билади ва 4,4 фоизи бошқа халқлар тилини ўз она тили деб билади. Рус тили энг кўп тарқалган тилдир. 2151,6 минг киши рус тилини она тили деб айтди (1979 йилда 2063,9 минг киши), шундан 1651,5 минг киши руслар ва 500,1 минг киши бошқа миллатларга мансуб кишилардир. Бундан ташқари 4464,5 минг киши рус тилини яхши билишини айтди (1979 йилда 7180,3 минг киши), шундай қилиб, 1989 йил аҳолини рўйхатга олишда ҳаммаси бўлиб 6616,1 минг киши ёки жумҳурият аҳолисининг 33,4 фоизи рус тилини она тили ёки иккинчи она тили деб атади (1979 йилда 60,1 фоиз). Ўзбек, тожик, қозоқ тиллари ҳам кенг тарқалган.

8. Турмуш кечириш воситалари манбалари юзасидан жумҳурият аҳолиси қуйидагича бўлинади:

	минг киши 1979	минг киши 1989	1989 йилда 1979 йилга нисбатан фоиз	якун 1979	якун 1989	фоиз 1979	фоиз 1989
Бутун аҳоли	15389	19810	128,7	100	100		
Халқ хўжалигида ишлайдиганлар (фақат шахсий хўжаликда банд бўлганлардан ташқари)	6201	7803	125,8	40,3	39,4		
Стипендия олувчилар	401	431	107,5	2,6	2,2		
Пенсионерлар ва нафақа олувчи шахслар, шунингдек давлат таъминотидаги бошқа шахслар	1343	2590	192,9	8,7	13,1		
Айрим шахслар қарамоғидагилар, шунингдек фақат шахсий ёрдамчи хўжаликда банд бўлган кишилар	7433	8972	120,7	48,3	45,2		
Бошқа даромад манбаи бўлган ва бу манбани айтмаган кишилар	11	14	125,9	0,1	0,1		

1989 йил аҳоли рўйхатида яшаш учун иккита даромад манбанга эга бўлган шахслар ҳам ҳисобга олинган (1979 йилда фақат бир даромад манбаи ҳисобга олинган эди). Улар бутун аҳолининг 12,7 фоизини ташкил этади. Булар — асосан ишлайдиган пенсионерлар, шунингдек асосий фаолияти билан биргаликда шахсий ёрдамчи хўжалиги бўлган ёки стипендия, пенсия, нафақа ҳамда қариндошларидан ёрдам оладиган кишилардир.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўсарфильм» муаллиф бирлашмаси

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

«ЎСАРФИЛЬМ» ОЛИЙ КИНОМАКТАБИ КИНОРЕЖИССЕР, КИНОДРАМАТУРГ, КИНООПЕРАТОР, КИНОРАССОМ, КИНОБАСТАКОР, КИНОШУНОС, КИНОДЕКОРАЦИЯ РАССОМИ, КИНОСУРАТ РАССОМИ, ЛИБОСЛАР КИНОРАССОМИ, КИНОПАРДОЗ РАССОМИ, КИНОФИЛЬМ ПРОДЮСЕРИ, КИНООВОЗ ОПЕРАТОРИ, КИНОҲИСОБЧИ, КИНОИҚТИСОДЧИ ВА КИНОМУҲАНДИС ИХТИСОСЛАРИ БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲАР БИР МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ФАҚАТ БИР КИШИ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КОНКУРС ТАЛАБЛАРИ:

Талабгорлар олий маълумотли (қайси мутахассислик бўйича олий маълумотга эгалигининг аҳамияти йўқ) ё бўлмаса танлаган касблари бўйича техникумни ё билим юртини ёки махсус мактабни битирган бўлишлари шарт.

Талабгорлар аввало ноёб инсоний фазилатларга, қоларверса; ўзига хос тафаккурга, юксак савияга, ўз маънавий оламига эга бўлган истеъдодли кишилар бўлишлари лозим.

Талабгорлар ўзбек мактабини битирган ва ўзбек тилини мукаммал ўрганган бўлиб, инглиз тилини мукаммал билиши (ёки қисқа муддатда ўрганиш мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари мажбурийдир.

Ўқишга ёши 25 дан ошмаган, ҳарбий хизматни ўтаб келган, спортнинг якка кураш турларидан бири билан мунтазам шуғулланаётган ўзбек йигитлари қабул қилинади. Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради. Дарсларни ўтиш учун жумҳуриятимиз, қардош жумҳуриятлар ҳамда чет эл киноусталари таклиф этилади. Шунингдек, мамлакатимиз ва чет мамлакатларнинг киноинститутлари, киномактаблари ва киностудияларида кўчма дарслар ташкил этилади.

«Ўсарфильм» олий киномактаби «Ўсарфильм» муаллифи, аспирант Саид Ўсар Бекнинг кинорежиссура ихтисоси бўйича илмий ижодий изланишлар ва тажрибалар ўтказиш киноустахонасидир.

Талабаларга ойига 200 (икки юз) сўм миқдорида стипендия берилади. Бундан ташқари, «Ўсарфильм» муаллиф бирлашмасининг ижодий ишлаб чиқариш ишларига ўз улушини қўшган талабаларга уларнинг қўшган ҳиссаларига ва лаёқатларига қараб ойлик мукофот пули бериб борилади.

«Ўсарфильм» олий киномактабининг талабалари биринчи ўқув йилининг якунида икки соатлик тўлиқ ҳажмли бадиий ўқув фильмини ва киномактабни битириш арафасида икки соатлик тўлиқ ҳажмли бадиий диплом фильмини суратга оладилар. «Ўсарфильм» олий киномактабини битирган талабаларга эгаллаган мутахассисликлари бўйича диплом берилади ва улар «Ўсарфильм»га доимий ишга олиб қолинадилар.

Имтиҳонолди суҳбатлари ҳар ойнинг биринчи ҳафтасидаги шанба ва якшанба кунлари ўтказилиб, ижодий асарлар ва ҳужжатлар қабул қилинаяпти. Дастлабки суҳбатлар 7-8 апрель, 5-6 май, 2-3 июнь кунлари ўтказилди.

Навбатдаги суҳбатлар 30 июнь ва 1 июль, 4-5 август кунлари, 1, 2 сентябрь кунлари эса суҳбатнинг иккинчи тури соат 12.00 дан 19.00 гача бўлиб ўтади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 3 СЕНТЯБРДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ:

Имтиҳонлар фақат мутахассислик бўйича бўлиб, дарслар ҳам фақат ихтисос бўйича ўтказилади.

Машғулотлар 1990 йилнинг 1 октябридан бошланиб, ўзбек тилида олиб борилади.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Ўзингиз билан (агар бўлса) ижодий материал, шеър, ҳикоя, қисса, сценарий, пьеса, роман, чизилган сурат, фотоматериаллар, ихтиролар лойиҳаси, кинофильмлар ёки ҳаваскорлик фильмлари, Сиз саҳналаштирган спектакларнинг режиссёрлик партитуралари ва фотоматериаллари, афишалари, мутахассислик бўйича илмий-ижодий изланишлар ёки Сизнинг истеъдодингизни намоён қилиши мумкин бўлган бошқа асарларингизни суҳбатга ола келишингизни ёки почта орқали юборишингизни сўраймиз. 10 августгача ижодий асарларини «Ўсарфильм» олий киномактабига топширмаган ёки почта орқали юбормаган, шунингдек, имтиҳонолди суҳбатларидан ўтмаган талабгорлар имтиҳонларга қўйилмайди. Юборилган ижодий асарлар эгаларига қайтарилмайди.

Зарур ҳужжатлар: дипломнинг асл нусхаси (эгасига қайтарилади) ва нотариус орқали тасдиқланган кўчирмаси, саломатлиги ҳақида маълумотнома, меҳнат дафтарчаси кўчирмаси билан (меҳнат дафтарчаси ўқишга киргач олиб қолинади), 2 дона 9х12 см, 2 дона 4х6 см., 2 дона 3х4 см., ҳажмли сурат, паспорт, ҳарбий ҳужжат, ариза, таржимаи ҳол.

«Ўсарфильм» олий киномактаби ўзининг бўлғуси иқтидорли талабаларини интиқлик билан кутади...

«Ўсарфильм» қўнимгоҳи: 700000, Тошкент шаҳри, Инқилоб хиёбони, (Метронинг «Октябрь инқилоби» бекати), Ленинград кўчаси 48-уй. (Техника уйи). Телефон 32-01-29 (навбатчилик туну кун).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори бўш лавозимига эълон қилинган конкурс қуйидагича ўқилсин:

Конкурсда, одатдагидек, 65 ёшгача бўлган, педагогика, илмий ва ташкилотчилик ишларида бой тажрибага эга бўлган профессорлар ва фан докторлари қатнашишлари мумкин («Правда Востока» ва «Совет Ўзбекистони» газеталарининг 1990 йил 11 май сонига қаранг).

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 1990 йил 18 июнгача узайтирилади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700078 Тошкент шаҳри. Парадлар ҳиёбони, 6-уй. Кадрлар ва малака ошириш бошқармаси. 39-16-89, 39-17-23 телефонлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/VI да **Спартак**, 16/VI да **Масхарабозлар**, 17/VI да **Раймонда**.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси илмий ходим Р. У. Умаровага онаси

Замира ЛУТФУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият илмий атеизм уйи жамоаси Фарғона вилояти илмий атеизм уйи раҳбари К. Ҳожиматовга акаси

Шербек СУЛАЙМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

САНИИРИ илмий ишлаб чиқариш жамоаси бош директор ўринбосари А. Ф. Раҳмоновга онаси

Тоира Тўлагановна РАҲМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги [illegible]ларни марказлаштириб ташиш Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш автомобиль трестининг 2512 автоколоннаси жамоаси эксплуатация бошлиғи А. С. Ҳўжамовга отаси

СУЛТОН ХУЖАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• Футбол: жаҳон биринчилиги

УМИДЛАР ПУЧГА ЧИҚДИ

Мухлислар-у футбол шарҳловчилари жаҳон чемпионатида қизғин давом этаётган саралаш ўйинларида Камерун ва Коста-Рика командалари ғалабасини кутилмаган тасодиф, деб баҳолашган эди. Афсуски, чемпионатга катта умидлар билан йўл олган совет футболчилари бу борада улардан «ўзиб» тушишди.

Футболчиларимиз биринчи ўйинда Руминия командасига имкониятни бой бериб, ҳафсалани пир қилишганди. Шундан кейин ишқибозлар иккинчи ўйинга умид боғлашди. Буниси ҳам бой берилди. Икки ўйинда дарвозалардан тўртта тўп ўтказиб, биронта ҳам жавоб тўпи уролмаган футболчиларимиз ўзларини ҳам, муҳлисларни ҳам ранжитдилар.

Жаҳон чемпионлари — Аргентина командаси билан ўйин футболчиларимиз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги олдиндан маълум эди. Бош тренер Валерий Лобановский команда таркибига бироз ўзгартишлар киритган бўлди. Зеро, чемпионлар устози Карлос Билардо: «Ғалаба биз учун ҳаёт ё мамот» деб олдиндан дадил фикр айта билди. Унинг бу гапларидаёқ ўз командасини олдинга олиб чиқиш нияти борлиги кўринган эди. Учрашувда ҳам шундай бўлди.

Неаполь шаҳридаги йирик стадионда учрашган чемпионлар билан совет футболчилари ҳаракатида ёнбосишлар бўлди, десак муболаға бўлмас. Бироқ, учрашувни бошқарган швециялик Э. Фредрикссон шундай қилди. Марадона ўз дарвозаси ёнида тўпни қўли билан қайтариб юборган ҳолат телевизор орқали бир неча бор такроран намойиш этилди. Кўриниб турибдики, ҳакам йўл қўйилган хатони кўрмасликка олган. Акс ҳолда 11 метрли жарима тўпи белгиланиши ва командамиз олдинга чиқиши мумкин эди. Умуман, футболчиларимиз танаффусга чиққунга қадар қўлларидан келганча ҳаракат қилишди. Чемпионларга қарағанда кўпроқ яъни 57 марта тўп билан муомалада бўлингани қайд этилди. Афсуски, омад чопмади. Думалоқ тўп дарвозамиз тўрига урилди.

Учрашувнинг иккинчи қисмида футболчиларимиз асабийлашаётгани, оқибатда қўполликларга йўл қўйишаётгани сезилиб турди. Ҳакам Бессоновни майдондан чиқариб юборишга мажбур бўлди. Ўйин охиригача 10 нафар бўлиб ўйнаган йигитларимиз чемпионларнинг ҳужумларига дош беришолмади. Улар яна бир тўп киритиб, ғалабани мустаҳкамлаб олишди. Хўш, буёғи нима бўлади? Сирасини айтганда, имкониятларимиз бой берилди. Курашни давом эттиришга умид қолмади. Лекин бир илинж бор. У ҳам бўлса, Камерун командаси билан сўнггги учрашувда йирик ҳисобли ғалабага эришиш. Зотан, бунга кафолат бериш қийин. Борди-ю, ана шундай ютуққа муяссар бўлсак, футболчиларимиз низомга мувофиқ учинчи ё тўртинчи гуруҳдаги ғолиб команда билан ўйнаб, яна бир бор синовдан ўтиши мумкин бўлади.

Ҳозир иккинчи гуруҳ коллективлари орасида Руминия, Аргентина, Камерун футболчилари иккитадан очколик бўлишди. СССР терма командаси тўп киритиш завқидан баҳра ололмай, очколар «тўрваси»ни қуруқ ушлаб турибди. Бешинчи гуруҳда эса дастлабки турнинг сўнгги ўйини ўтказилди. Уругвай ва Испания командалари учрашувида илк бор дарвозалар дахлсиз қолгани қайд этилди. Кеча учта учрашув бўлиб ўтди: Италия-АҚШ, Камерун-Руминия ва Югославия-Колумбия.

Жаҳон биринчилиги арафасида спорт шарҳловчилари дарвозабонимиз Дасаевни энг кучли уч футболчи сафига кўшиб, Протасов, Михайличенко, Заваров, Литовченко, Кузнецов каби футболчиларимизни ниройли ўйинлар кўрсатадилар, деб тахмин қилишганди. Бугунги кунда эса жаҳон рамзий терма командаси сафига СССР терма командаси аъзоларидан биронта ҳам ўйинчи киритилмаган.

Ўз-ўзидан маълумки, футболчиларимиз биринчи учрашувдаёқ обрўларига путур етказдилар. Мана энди, саралаш ўйинларидаёқ сафар жабдуғини ҳозирлашга мажбур бўладиган 8 команда сафида турибдилар. Ваҳолонки, улар курашни давом эттиришга шайланган 16 команда қаторида бўлишлари ҳам мумкин эди. Бир сўз билан айтганда, жаҳон биринчиликларида футболчиларимизнинг чиқишлари бунақанги ноҳуш манзара касб этмаганди. Чемпионатда эса учрашувлар тобора кескин ва муросасиз тус олмоқда. Фақат кучли коллективларгина мухлислар ишончини оқлай олиши амалда намоён бўляпти:

Ҳ. НОСИРОВ,
Ҳ. СУЛТОНОВ.

ЎЙИНЛАР ВА ҲИСОБЛАР

1. Аргентина—Камерун	0:1
2. СССР—Руминия	0:2
3. Италия—Австрия	1:0
4. Бирлашган Араб амирликлари—Колумбия	0:2
5. АҚШ—ЧСФР	1:5
6. Бразилия—Швеция	2:1
7. ГФР—Югославия	4:1
8. Коста-Рика—Шотландия	1:0
9. Англия—Ирландия	1:1
10. Бельгия—Жанубий Корея	2:0
11. Голландия—Миср	1:1
12. Аргентина—СССР	2:0
13. Уругвай—Испания	0:0

(Биринчи рақамлар дастлабки ўйинлар тартибини билдиради).

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 17 июнда чиқади.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 02383 № 136. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12